



## **XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «14» июль

VI-31-39-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Вилоятда “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан вилоят Автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда вилоятдаги автомобиль йўллар тармоғи ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Ж.Б.Киличевнинг ҳисоботини тинглаб, ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қиласи:

1. Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси бошлиғи Ж.Киличевнинг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни, вилоятда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, автомобиль йўллари соҳасидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш механизмлари бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси билан биргаликда 2022 йил маҳаллий бюджет параметрларини шакллантиришда маҳаллий ҳокимликлар балансида бўлган ички йўллар ва кўчаларни сақлаш, тасарруф қилиш ва жорий таъмирлаш ишлари учун маблағ ажратилишини назарда тутсин.

Бунда, сақлаш ишлари ва тасарруф қилиш билан фаолият олиб борадиган туманлар ҳокимликлари хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаларини ички автомобил йўлларини сақлаш ва тасарруф қилишга ихтисослаштириш ҳамда уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашни назарда тутувчи харажатларни инобатга олсин.

3. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, “Сурхондарё сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти ва бошқа коммуникация тармоғларини тасарруф қилувчи корхоналар вилоятдаги барча автомобиль йўллари, жумладан, умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари, шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, хўжаликлараро кишлоқ автомобиль йўлларида “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тасарруф қилувчи

идоралар рухсатисиз йўлда қазиши ва бошқа автомобиль йўллари тармоғининг бузилишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш қатъиян ман қилинсин.

4. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов) билан биргаликда маҳаллий ҳокимликлар ва қурилиш бўлимлари томонидан тасарруф қилинишидан қатъи назар йўл бўйи миңтақасига жойлаштирилган йўлбўйи инфратузилма обьектлари, савдо, сервис ва хизмат кўрсатиш обьектлари, реклама панно ва пешлавҳалари эгалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4545-сонли қарорига асосан Молия вазирлиги ҳамда вилоят Молия бош бошқармасининг Автомобиль йўлларини ривожлантириш жамғармасига ойлик тўловларни йўналтириш ишлари жорий йилнинг 15 август кунидан бошлаб босқичмабосқич йўналтириб борилишини таъминласин.

5. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари, Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси (Ж.Қиличев), “Сурхондарё миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (Боқиев) давлат дастурлари асосида йўл қурилиш ишлари олиб борилаётган ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларида жойлардаги депутатлик назоратини йўлга қўйиш мақсадида ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) депутатларининг йўл ишларини фойдаланишга топширилишида иштирокини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари А.Хидиров, Термиз шаҳар (И.Худойбердиев) ва Сурхондарё вилояти Транспорт бошқармаси билан биргаликда жорий йил 1 августга қадар Термиз шаҳрининг транспорт инфратузилмасини тақомиллаштириш бош режасини ишлаб чиқиши юзасидан имзоланган шартномада кўрсатилган маблағларни ўтказиб бериш чорасини кўрсинг ҳамда моделлаштириш ишларини бошласин.

7. Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси (Ж.Қиличев)га 10 кун муддатда йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, автомобиль йўллари соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ечими кутилаётган муаммолар юзасидан ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма таклиф киритиш топширилсин.

8. Сурхондарё вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Э.Авазов) шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг тасдиқланган амалий чора-тадбирлар дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижросини доимий мониторинг қилган ҳолда ҳар чорак яқуни билан ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама учун киритиб борсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Жураева) зиммасига юклансин.

10. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.